



# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 79 (632)  
2022 йил 27 сентябрь,  
сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан  
хафтанинг сешанба ва  
жума кунлари чиқади.

## ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни электротехника саноатидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Саноатда амалга оширилаётган модернизация натижасида электротехника тармоғи ҳам ўзгарди. Охириги беш йилда ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 баравар ўсган. Бу маҳсулотларнинг сифати ошганини, харидорчилигини билдиради.

Шу тўғрисида экспорт ҳам 5 баравар кўпайган. Йил якунигача бу кўрсаткич 750 миллион доллардан ошishi кутилмоқда. 2017 йилда бу тармоқда экспортбop маҳсулотларимиз 25 та бўлган бўлса, бу йил 200 тага етган. Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги 11 та корхона илк бор ташқи бозорга чиққан.

Йиғилишда "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси раиси М. Юнусов тармоқдаги галдаги ишлар, келгуси йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ҳақида ахборот берди. Айтиб ўтилганидек, бугунги кунда 1 миллиард 200 миллион долларлик 205 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Янги маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш, 2023 йилда экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, тармоқдаги устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди.

– Маиший техника ишлаб чиқариш кўпайди дегани, бу – аҳолининг сотиб олувчанлик қобилияти ўсди, дегани. Охириги йилларда электротехника саноатимиз "қайта туғилди". Энди уни янада ривожлантириб, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, юқори қўшилган қиймат яратиш керак. Пировард мақсад – иш ўрни, – деди Шавкат Мирзиёев.

Таҳлилларга кўра, жаҳон бозорларидаги вазият икки йилда экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, юртимизда 1 миллиард 300 миллион долларлик импорт бозори бор. Бу имкониятлардан муносиб улуш олиш учун маҳсулот, аввало, сифатли ва таъинли бўлиши керак.

Шу боис Президентимиз янги маҳаллий брендлар яратиш ва хорижий брендларни олиб келиш, маҳсулотларни шунга мувофиқ сифатли қи-

либ, харидорлар ишончини қозониш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда ва атрофимиздаги бозорларда ярим ўтказгич ва электрон платаларга талаб 6 миллиард долларни ташкил этади. Шу боис бундай корхоналарни кўпайтириш, электротехника ва микроэлектроника йўналишида илмий, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш вазифаси белгиланди. Маиший техникаларни маркировкалаш, экспортни сурғурталаш ва кредитлашни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маиший техника бор экан, сервис хизматига талаб ҳар доим бўлади. Касб-хунар мактабларида ёшларни бу йўналишга ўқитиш уларни иш билан таъминлашда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 сентябрдаги фармонида мувофиқ, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш бўйича дастур қабул қилинди. Унда 34 мингта хонадон, вазирилик ва идораларнинг 6 мингта объектда шундай қурилмалар ўрнатилиши белгиланди. Аҳолига компенсация олиш, кредитни 3 йил ичидида фойсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилди.

Истеъмолчиларга муқобил энергия қурилмаларига етказиб бериш мақсадида Қашқадарёда кластер усулида корхона барпо этиш режалаштирилган. Йиғилишда ушбу лойиҳанинг бориши ҳақида ахборот берилди.

Маълумки, электротехника тармоғи мис билан боғлиқ. Сўнги йилларда янги конлар ўзлаштирилиб, бу хомашёнинг захираси кенгайтирилди. Оҳангарон тумани ва Қарши шаҳрида мис кластерлари ташкил этилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу корхоналарда хорижий бошқарувни йўлга қўйиб, чуқур қайта ишлаш лойиҳалари, илм ва инновацияни олиб кириш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йил бу йўналишда юқори қўшилган қиймат яратадиган 34 та лойиҳа ишга туширилиши қайд этилди.

Йиғилишда ҳокимлар ва тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди. **Ў.А.**



## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Бухоро вилоятидаги давлат хизматлари марказлари орқали жорий йилнинг ўтган даврида аҳоли гавжум жойларда, олис чекка ҳудудларда мақбул, қулай ва шаффоф усуллардан фойдаланган ҳолда 60 мингта яқин сайёр давлат хизмати кўрсатилган.

– Ўтган давр мобайнида давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ўтказилган ўрганиш ва мониторинглар домида давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан жами 4 минг 198 та қонунбузилиш ҳолатларига йил қўйилганлиги аниқланди, – деди Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қайим Холов Ў.А. мухбири Зариф Комилов билан суҳбатда. – Уларнинг 4 минг 98 таси мuddат ўтиши, 8 таси ортиқча ҳужжат талаб қилиш, 13 таси тўғридан-тўғри давлат

хизматлари кўрсатиш, 39 таси асосиз рад этиш ҳамда 40 таси бошқа қонунбузилишлардир. Уларни бартараф қилиш юзасидан жами 56 та тақдимнома, 248 та огоҳнома киритилган. 53 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 57 та баённома расмийлаштирилиб, жами 57 нафар киши маъмурий жавобгарликка тортилган.

Давлат хизматлари марказларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари, айниқса, жисмоний имконияти чекланган ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароитлар яратиб келинмоқда. Хусусан, Бухоро шаҳар давлат хизматлари марказида давлат хизматини кўрсатиш натижасидан норози бўлган ва оғир ижтимоий-иқтисодий ахволга тушган шахсларга руҳий кўмак ҳамда маслаҳат берувчи руҳшунос хизмати йўлга қўйилган.

Шунингдек, марказда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда инклюзив муҳит яратиш чоралари кўрилиб, эшитиш ҳамда гапирish бўйича нуқсонли бўлган шахслар томонидан сурдо-таржимон хизматидан фойдаланиш имкони яратилган.

Бундан ташқари, вилоятнинг барча давлат хизматлари марказларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш кўникмаларини ошириб бориш ҳамда уларга электрон давлат хизматларидан фойдаланишлари учун техник жиҳозланган ўзига ўзи хизмат кўрсатиш бурчаклари тайёрланган.

Аҳоли учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида тегишли давлат хизматлари марказларида эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янги сисга алмаштириш, хорижга чиқishi

биометрик паспорти ва идентификация ID-картасини расмийлаштириш ҳамда бериш давлат хизматлари ҳам кўрсатиб келинмоқда.


Энг муҳим қўлайликлардан яна бири – давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд тизим ва воситаларига қўшимча равишда жисмоний шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими жорий этилишидир. Мобил-ID тизими фойдаланувчилари электрон рақамли имзони қўлламаган ҳолда барча давлат хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлиб, фуқаронининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юбориладиган хабарномалар унинг хоҳишига кўра ва белгиланган тўловлар асосида Мобил-ID тизими орқали идентификацияланган мобил телефон рақамига SMS-хабар шаклида юборилади.

## ЎЗБЕКISTONGA 8 ОЙДА 1,5 МЛН ТОННА ЦЕМЕНТ ИМПОРТ ҚИЛИНГАН

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистонга қиймати 62,4 млн АҚШ долларига тенг бўлган 1,5 млн тонна цемент импорт қилинган.

Цемент импорти ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 423 минг тоннага камайган.

ЎЗБЕКISTONGA ЦЕМЕНТ ЭКСПОРТ ҚИЛГАН АСОСИЙ ДАВЛАТЛАР:



## МАКТАБ БИНОСИ ТАЪМИРЛАНИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Наврўз маҳалласида 46-умумтаълим мактабининг биноси таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

– 240 ўринга мўлжалланган мактаб қурилиши учун 2022 йил Инвестиция дастури доирасида 6 миллиард 633 миллион сўм ажратилган, – деди қурилиш ташкилоти иш юритувчиси Дилмурод Маматов Ў.А. мухбири Шаҳноза Маматуроповага. – Бундан ташқари, 8 миллиард сўмлик ҳозийлик маблаглари ҳам сарф этилган. Энг муҳими, "Шаффоф қурилиш" тизими жорий этилганидан сўнг қурувчи ташкилотлар ва тадбиркорлар ўртасида рақобат муҳити шаклланди. Танлаш, иштирок этиш имконияти кенгайди. Эндилқда рейтингни бор қурилиш ташкилотлари тендерда бемалол қатнашиши мумкин.

Қурилиш жараёнида 150 нафар қурувчи меҳнат қилди. Иншоотнинг фасад қисми, коммуникация тармоқлари таъмирланди. Янги спорт зали қурилиб, очиқ спорт майдонлари ҳам ташкил этилди. Ахборот технологиялари хонаси, кимё, биология, физика лабораторияси, мусиқа хоналари, электрон кутубхона – буларнинг барчаси бугун ўқувчилар ихтиёрида.

Замонавий технология хоналарида ёшлар пазандалик, сартарошлик, рақс, миллий кураш каби йўналишлар бўйича тўғарақларда қатнашишлари мумкин. 46-умумтаълим мактабининг очилишига бағишланган тантанали маросимда қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Даврон Адиллов, туман ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси масъуллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида умумтаълим мактаблари учун янги замонавий бинолар қурилишига катта эътибор қаратилаётгани, соҳадаги кўп йиллик муаммолар ҳал этилаётгани қайд этилди.



## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

# ТАҚИда маърифий тадбир бўлиб ўтди

Нигора ҚУРБАНОВА,  
ТАҚИ Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида “Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқат ҳаёти ва ижодининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти” мавзусида тадбир ўтказилди.

Адабиёт – ҳаёт дарслиги. Шу маънода, ўзбек адабиёти намоёндалари ижоди ёшларимизга ҳаёт сабоғини ўргатиш билан бирга, ўзбек тилимиз қудратини, салоҳиятини борича кўрсата оладиган маърифий манбаа ҳамдир. Хусусан, 2020 йил 20

май куни Юртбошимизнинг Адиблар хийбони мажмуасига зиёрати чоғида ўзбек адабиёти равнақига муносиб ҳисса қўшган адиблар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиб этиш ва Ватанимиз келажаги бўлган ёшлар онгига синдириш вазифасини олий ўқув юрталари зиммасига юклаши зиёлиларимиз учун аниқ муддао бўлди.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси олдида халқчил адабиётнинг етук намоёнлари, ҳассос лирик шoir, зуллисонийн ижодкор, ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг маърифатпарвар куйчиси, биринчи ўзбек журналисти, таржимон Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқатнинг ҳаёти ва ижод йўлларини ўрганиш, фаолиятига бугунги кун нуқтаси назари билан қараш, ўлмас

ёюларини тарғиб этиш вазифаси қўйилди. Бу ишга институтимиз жамоаси чуқур эҳтиром ва юксак масъулият билан ёндошди.

Маърифий тадбирда талабалар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намоёиш этилди. Институтимиз жамоаси ва талабалар томонидан Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқат ҳайкали пойига гудаста қўйилиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Шундан сўнг, гуруҳ тўрторлари Д. Арифжанова ҳамда Д. Тошова талабаларни Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқатнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда миллий адабиётимизга қўшган ҳиссаси билан яқиндан таништирдилар.

Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

## “Ўзбекистон бо‘йлаб sayohat qil!”

Rayhona XO‘JAYEVA,  
“Ўзбекистон bunyodkori” muxbiri.

Ushbu shior ostida respublikamiz bo‘ylab talabalar uchun sayohat dasturlari ishlab chiqildi. Ushbu dasturga asosan, Mirzo Ulug‘bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti talabalari Surxondaryo vohasiga sayohat uyushtirishdi. Talabalar vohaning tarixiy obidalari, uzoq o‘tmishga ega diqqatga sazovor maskanlarida bo‘lishdi. Sayohat “Ko‘hna Surxon” vohasidagi diqqatga sazovor joylarni ziyorat qilish bilan boshlandi.



Sayohatning ikkinchi kuni talabalar Termiz shahrida joylashgan me‘moriy yodgorlik – (X-XVII asrlar) 7 asr davomida shakllangan, 20 ga yaqin maqbarani o‘z ichiga olgan Sulton Saodat majmuasini ziyorat qilishdi. Majmua Termizdagi me‘moriy yodgorlik bo‘lib, XII – XVII asrlarda bunyod etilgan. Maqbara uzunligi 70 metrlik hovlida qurilgan. Qurilishning bosh binosi g‘arbda joylashgan. Xalq orasida Sulton Saodat maqbarasi nomi bilan mashhur bo‘lgan maqbaralar XII asrda, qolganlari, asosan, XV-XVII asrlarda yonma-yon qurilib, uzun hovlining ikki tomonini egallagan. Majmua mustaqillikdan keyin ta’mirlanib, ziyoratgohga aylantirilgan.

Talabalar ushbu majmuaga tashrif buyurib, xodimlar tomonidan tarixiy hamda qimmatli ma’lumotlarga ega bo‘ldilar.

kazida Vixara, uch bo‘limdan iborat binoda esa yotoqxona, ombor va maishiy maqsadlarda barpo etilgan xonalar bo‘lgan. Fayoztepa yodgorligi eng avvalo, shu hududda yashagan aholining 2000 yil avval atrof-muhit haqidagi bilimlari naqadar puxta bo‘lganidan dalolat beradi. Masalan, tepalik yaqinidan oqib o‘tuvchi Amudaryo va Eski Termiz orasida katta masofa bo‘lmasa-da, aholi suv ayrig‘ich (akveduk) inshootini qurib, shahar kanalizatsiyasini tashkil etishga muvaffaq bo‘lishgan. Shuningdek, Fayoztepa ibodatxonasi markazida hovuz, uning chetlaridan toshdan qurilgan ustunlar shiftni ko‘tarib turgan.

Bu grek-rim me‘morchilik san‘atini eslatib turuvchi arxitektura yechimini ko‘rgan SamDAQ talabalari Eski Termiz aholisi sivilizatsiya markazini barpo eta olishganiga amin bo‘ldilar.



“Ko‘hna Surxon” sayohati davomida SamDAQ talabalari Termiz tarix va madaniyat davlat muzeyida ham bo‘lishdi. Bolalar va kattalar uchun mo‘ljallangan ushbu muzeyda hamma uchun birdek qiziqarli ma’lumotlar, qadimiy va boy ekspozitsiya talabalarining taassurotini boyitdi. Ilgari Voha tarixini, san‘at asarlarini o‘zida jamlab, 85 yildan buyon beminnat xizmat qilib kelayotgan viloyat o‘lkashunoslik muzeyiga 2019 yilda Surxondaryo viloyati tarixi va madaniyat davlat muzeyi nomi berilgan ekan.

Muzey mas’ul xodimining aytishicha, 3 qavatli muzey ekspozitsiyasi “Tabiat”, “Arxeologiya va tarix”, “Tasviriy san‘at”, “Mustaqillik davri” hamda “Etnografiya” singari 5 ta bo‘limdan iborat. Uning fondida 16 ta yo‘nalishda 61 ming 325 ta eksponat mavjud bo‘lib, shundan, 3150 ta eksponat noyob ashyo va kolleksiyalar sirasiga kiradi. Bu yerda saqlanayotgan nodir eksponatlardan xalqimizning ming yillik analarini, qadriyatlarini o‘rganish mumkin.

Belgilangan grafik bo‘yicha sayohatchilarning keyingi manzili “Fayoztepa” majmuasi bo‘ldi.

Ibodatxona 1,5 ming kv.m maydonda joylashgan bo‘lib, uning mar-

Qadimiy va tarixiy majmualar sayohatidan so‘ng, tashkilotchilar tomonidan “Marvarid” dam olish maskanida talabalarga ochiq tabiat qo‘nyonda madaniy hordiq tashkil etildi.

Sayohatning uchinchi kuni SamDAQ sayohatchilari Termiz shahridan ancha uzoq Sariosiyo tumanida bo‘lib, Sangardak sharsharasini tomosha qilishdi. Sharshara yer sathidan 120 metr balandlikdan, tog‘ qoyasidan otilib tushadi. Uning suvi yoz faslida ko‘payadi, kuzdan kamaya boshlaydi. Mahalliy aholining aytishicha, uning zioli suvi tog‘lardagi muzliklarning erishidan oqib keladi.

Surxondaryo viloyatining diqqatga sazovor joylariga bo‘lgan sayohat shu bilan yakun topdi. Talabalar uch kun ichida bir olam taassurotlar va yuqori kayfiyat bilan qaytishdi. Sayohatni tashkilloshtirgan Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligiga, Turizm va madaniy meros vazirligiga, Surxondaryo viloyatiga tashrif chog‘ida hamrohlik qilgan mas’ul xodimlar va tashkiliy jamoaga Mirzo Ulug‘bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti rahbariyati va sayohatchilari o‘z minnatdorriligini bildirishdi.

## Ректор ва ёшлар учрашуви



Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Эржан Каҳя иштирокида “Ректор ва ёшлар” мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир очиқ мулоқот шаклида бўлиб, унда Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор Зафар Абдувалиев, ректор маслаҳатчиси Нуриддин Нишанбаев ва талаба-ёшлар иштирок этишди.

Учрашувда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ёшларга оид давлат сёбасати янада юқори босқичга кўтарилганлиги, ёшларнинг

ўз иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратиб берилгаётгани, хусусан, институт талабалари учун янги ўқув йилини янги биноларда бошлаш имконияти берилгани таъкидланди.

Ўз ўрнида ректор Эржан Каҳя ҳам талабаларга юқори чўққиларни забт этиш учун ҳозирдан тайёргарлик кўриб бориши кераклигини таъкидлаб, институтда тури клублар фаолиятини ривожлантириш ҳамда таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича режалари тўғрисида маълумот берди.

## Талабалар кутубхона билан танишди

ТАҚИ Архитектура факультети 1-босқич талабалари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан танишди.

Талабалар мутахассислардан кутубхонадаги китобхонларга хизмат кўрсатиш, фондни бутлаш, адабиётларга ишлов бериш ва каталоглар бўлими, китоб сақлаш, илмий-услубий, миллий библиография, ахборот,

ўсмирлар бўлими, маданият ва санъат бўйича илмий ахборот, чет эл адабиётлари, кутубхоналараро абонемент (КАА), автоматлаштириш ва ахборот технологияси, илмий тадқиқот маркази, наширёт-тахририят, нодир ва қадимий нашрлар ҳақида батафсил маълумот олишди.

Энг муҳими, тадбир давомида барча талабалар кутубхонага аъзо бўлдилар.

## Ташқи баҳолаш жараёнлари бошланди

Жорий йилнинг 20 сентябрь санасидан 30 сентябрга қадар Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан Тошкент архитектура-қурилиш институтида навбатдаги аттестация жараёнлари бўлиб ўтмоқда.

Вазирлар Маъкамасининг “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сонли қарорига асосан ташкил этилаётган жараёнлардан кўзланган асосий мақсад, таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Мазкур жараёнларда ўқув дастурларининг таълим жараёнига

жорий этилиши, олий таълим муассасасининг моддий-техник базаси, тадқиқотчиларга илмий, ижодий ҳамда лойиҳалаш ишларини олиб боришлари учун яратилган шароитлар, докторант ва мустақил ишловчилар фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ қатор йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати ўрганилмоқда.

Шу мақсадда, Таълим инспекцияси раҳбарияти, эксперт комиссияси аъзолари ўртасида ОТМ таркибий бўлинмалари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда жараённинг мазмун-моҳияти, мақсади ва олдинги аттестация (аккредитациялаш) жараёнларидан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, ОТМ томонидан тақдим этилган ички баҳолаш хулосаларининг сифати, эксперт комиссияларининг таълим сифатини ошириш юзасидан тақдим этилган тавсиялари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

## Халқаро ҳамкорлик

Тошкент архитектура-қурилиш институтида Москва давлат Геодезия ва картография университети билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида учрашув ташкил этилди.

Унда Москва давлат Геодезия ва картография университети Халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича проректори Светлана Шведова, университети Матбуот котиби Елена Смирнова, ТАҚИ Ўқув ишлари бўйича проректор Абдулло Мирисаев, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Анзират Нигмджанова ҳамда Геодезия ва кадастр кафедраси ўқитувчиси Дилафруз Тоғаева иштирок этди.

Учрашув давомида томонлар ўзаро ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви ҳамда ўзаро ҳамкорликда илмий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилишди.



Учрашув якунида икки ОТМ ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

## “Universal Auktions Invest” МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

2022 йил 28 октябрь куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 271-ўйда жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 19 сентябрдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган занжир, узуқ, биллакузук, зирак ва бошқалар) “Oloy-Invest Lombard” МЧЖ томонидан қўйилмоқда:

- 202202193005542-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 40 455 048 сўм.
  - 202202193005541-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 10 510 568 сўм.
  - 202202193005539-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 17 770 607,18 сўм.
  - 202202193005538-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 2 335 724,96 сўм.
  - 202202193005537-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 9 911 678,4 сўм.
  - 202202193005536-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 1 377 501,6 сўм.
  - 202202193005535-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 509 111,68 сўм.
  - 202202193005534-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 554 028,4 сўм.
  - 202202193005533-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 1 197 834,72 сўм.
  - 202202193005532-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 19 493 912 сўм.
  - 202202193005531-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 2 350 697,2 сўм.
  - 202202193005530-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 1 976 391,2 сўм.
  - 202202193005529-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 4 521 672 сўм.
  - 202202193005528-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 5 494 867,6 сўм.
- Заргарлик буюмлари билан “Oloy-Invest Lombard” МЧЖнинг қуйида кўр-

сатилган манзилида бевосита танишиш мумкин: Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Амур Темир кўчаси, 1-уй.

Ўқоридаги мулклар 2022 йил 28 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафта-нинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

Талаборлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй.

Талаборлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхташилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддатди савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

Аукцион савдода иштирок этиш учун талаборлар “Заказалт пули тўғрисида”ги қелишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошлангич нархининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдорда заказалт пулини “Universal Auktions Invest” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 0049 3216 8025 “Урун банк” АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

Аукцион савдода қатнашиш истегидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

юрлик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда заказалт пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Кўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй. Мурожаат учун тел.: 71-236-74-67. Веб-сайт: www.uai.uz

004059 рақамли гувоҳнома.

## “Universal Auktions Invest” МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

2022 йил 28 октябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 271-ўйда жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 19 сентябрдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган занжир, узуқ, биллакузук, зирак ва бошқалар) “Artfam-Invest” МЧЖ томонидан қўйилмоқда:

- 202202193005557-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 778 612 сўм.
- 202202193005556-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 14 253 628 сўм.
- 202202193005555-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 703 750,8 сўм.
- 202202193005554-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 29 974 480 сўм.
- 202202193005553-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 10 510 568 сўм.
- 202202193005552-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 22 188 915,2 сўм.
- 202202193005551-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 14 103 905,6 сўм.
- 202202193005567-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 22 787 804,8 сўм.
- 202202193005566-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 11 483 763,6 сўм.
- 202202193005565-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 10 510 568 сўм.
- 202202193005563-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 2 575 280,8 сўм.
- 202202193005562-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 3 099 309,2 сўм.
- 202202193005561-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 853 473,2 сўм.
- 202202193005560-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 1 796 724,32 сўм.
- 202202193005569-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 1 003 195,6 сўм.
- 202202193005568-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 1 377 501,6 сўм.
- 202202193005560-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 4 072 504,8 сўм.
- 202202193005548-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 3 249 031,6 сўм.
- 202202193005547-сонли ижро

хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 1 078 056,8 сўм.

20. 202202193005545-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 7 066 952,8 сўм.

21. 202202193005544-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 3 473 615,2 сўм.

22. 202202193005543-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, бошлангич баҳоси – 8 564 176,8 сўм.

Заргарлик буюмлари билан “Artfam-Invest” МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 9-уй.

Ўқоридаги мулклар 2022 йил 28 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафта-нинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Талаборлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй.

Талаборлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддатди савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

Аукцион савдода иштирок этиш учун талаборлар “Заказалт пули тўғрисида”ги қелишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошлангич нархининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдорда заказалт пулини “Universal Auktions Invest” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 0049 3216 8025 АТБ “Урун банк” Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

Аукцион савдода қатнашиш истегидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

юрлик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда заказалт пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Кўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй. Мурожаат учун тел.: 71-236-74-67. Веб-сайт: www.uai.uz

004059 рақамли гувоҳнома.

